

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:330.3:658:33М(575.1)

АБДУЛЛАЕВ ҲАБИБУЛЛО АСАДУЛЛА ЎҒЛИ

**ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ
БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛНИШ
(АТБ “Микрокредитбанк” маълумотлари асосида)**

**5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)
Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Б.Салимов**

Тошкент – 2018

Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилади: Ўзбекистон республикасида экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилди; Экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш жахон хўжалиги тизимига интеграциялашнинг модели ва тахлили ўрганилди; Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг жахон стандартларига жавоб беришини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши маҳаллийлаштириш дастурини такомиллаштиришга кўмаклашади.

In this thesis the following tasks were accomplished: theoretical and methodological foundations of the effective use of investments in the development of export-oriented and import-substituting production have been studied in the Republic of Uzbekistan. The model and analysis of the integration of export-oriented and import-replacing production into the global system has been studied. Improving the competitiveness of manufactured products, improving their compliance with world standards has been studied. Practical application of scientific and practical recommendations in the research process will improve the localization program.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. 52-сонли баённомаси
« 19 » 05 2018 й.

Илмий раҳбар: Б.Салимов

имзо

18.05.18

Магистр: Абдуллаев Х

имзо

сана

18.05.18

сана

“Химояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
мудир, доц. И.Хотамов

“ 19 ” май 2018 йил

Химоя 2018 йил “ 25 ” сентябрь соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтди.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I боб. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда инвестициялар жалб этиш хусусидаги назарий қарашлар ва ҳукукий асослар	10
1.1. Маҳаллийлаштириш дастури ва унинг моҳияти	10
1.2. Инвестицияларни жалб этиш борасидаги назарий қарашлар мазмуни ва уларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг меъёрий-ҳукукий асослари	15
1.3. Экспортни ривожлантиришда норматив-ҳукукий базани такомиллаштириш	25
Биринчи боб бўйича хулоса.....	32
II боб. Ўзбекистон саноатига инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили	34
2.1. Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти ва ҳозирги ҳолати	34
2.2. Ўзбекистонда саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	45
2.3. Хорижий инвестицияларни саноат тармоқларига жалб этишнинг хориж тажрибаси	51
Иккинчи боб бўйича хулоса	55
III боб. Маҳаллийлаштириш дастури асосида саноат корхоналари иқтисодий ривожланишини таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш	57
3.1. Маҳаллийлаштириш дастури асосида саноат корхоналари иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўллари	57
3.2. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўналишлари.....	68
Учинчи боб бўйича хулоса	79
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	80
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	84

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатда иқтисодий барқарорлигини таминланлашда ташқи(хорижий) инвестициялар омили муҳим аҳамият касб этади, мамлакат иқтисодиётига янги ва замонавий техника ва технологиялар кириб келади, илмий янгиликлар, замонавий менежмент усул ва услублари жорий этилади, маҳаллийлаштириш жараёнлари жадаллаштирилади, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали жаҳон бозорига йўл очилади ва унинг халқаро майдонларда рақобатбардошлиги таъминланади. Техника ва технологияларнинг модернизация қилиниши орқали маънавий эскирган ва самарасиз технологиялар ҳисобдан чиқарилади, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлик кўрсаткич(индикатор)лари, жумладан ЯИМнинг ўсиши, экспорт кўрсаткичлари, иш билан бандлик, миллий валютанинг барқарорлиги, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳамда маҳсулот турларининг кенгайиши ва бошқа кўрсаткичларнинг таъминланишида хорижий инвестициялар ўзига хос вазифани ўтаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидаги фикрларга алоҳида тўхталди: "...давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий гоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараккий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим."¹.

Дарҳақиқат, бугун ҳудудий ривожланиш жараёнларини такомиллаштиришда, саноат ишлаб чиқаришини барқарор ривожланиши

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи. Г.//, 2017 йил 23 декабрь.